

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ УРФ ОДАТЛАРИ ВА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДАГИ ТУТГАН ЎРНИ

Usmonova Rohila Mardonkulovna

Оила ва жамият муносабатлари ҳар бир давлатнинг ривожланишида муҳим аҳмият касб этади. Ҳолбуки, оила миллатнинг урф одатлари маданияти ва қадриятларини сақлашда ҳамда фарзандлар таълим ва тарбияси камол топишида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, оиланинг тинчлиги ва фаровонлиги жамиятнинг истиқболини белгилаб берувчи муҳим омиллардан саналади. Бу хақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев қуйидагича фикр билдирган, “Оила мен учун муқаддас. Муқаддаслиги шуки, авваламбор қаерда ишлашидан қатъи назар, ким бўлишидан қатъи назар агар оиласда тарбия, оиласда муҳит, оиласда ҳалоллик, муносабат, тарбияга алоҳида эътибор бермаса, ҳеч қачон натижা бўлмайди”<sup>11</sup>.

Оилаларда таълим-тарбияни тўғри йўлга қўймай туриб, ёш авлод онгига миллий қадриятларимиз, анъалармизни сингдирмасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, уни тараққиётга йўналтириш мумкин эмас. Бу жиҳатдан олиб қараганда, “Оила мафкуравий тарбиянинг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки, оила жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, фарзандлар онгига оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Оиласдага соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир”<sup>12</sup>. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ўзининг “Бахтиёр оила” номли рисоласида “Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса жамият ҳам осоийшта, мустаҳкам фаровон бўлади. Аксинча оилаларда порокандалик, бузғунчилик бўлса, ҳалол – ҳаромнинг фарқи қолмаса, ўша жамият бузилади, тинчи йўқолади охир оқибат у чуқур таназуллга юз тутади”<sup>13</sup>. деб таъкидлайди

Шу сабабдан ҳам ҳозирда нафақат юртимизда балки бутун ер юзида давлатлар ўз миллий қадриятларини мустаҳкамлаш, оиласдаги тарбияни яхшилаш, болалар, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маънавий баркамол соғлом авлодни тарбиялаш масаласига жиiddий эътибор каратишмоқда. Бу борда буюк бобоколонимиз Абдурауф Фитрат шундай деган эди: “Ҳар бир оиланинг саодати ва иззати шу ҳалқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ”<sup>14</sup>. Тинчлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик эса оилаларининг интизомига таянади, пировард натижада ҳалқ ҳам шунча кучли бўлади. Агарда қайси бир давлатнинг аҳолиси жоҳиллик, ахлоқсизлик, билан оиласвий

<sup>11</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2018/07/25/prezident/> мурожаат қилинган сана 20.03.2023 й.

<sup>12</sup> Миллий истиқтол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 66-б.

<sup>13</sup> «HIOL NASHR» нашриёт-матбааси <https://hiolnashr.uz/index.php>. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Т.”Хилол Нашр, 2019.- 4 б.

<sup>14</sup> Akhmadjanovna, N. R. N., Abdukhalilovna, M. H., & Habibullaevna, M. B. (2019). Integrating language skills into the process of the English language teaching. Вестник науки и образования, (19-2 (73)

муносабатларга енгил қараса ва интизомсизликка йул қўйса у ҳолда бу миллатнинг эртаси шубҳа остида қолади.

Бугунги глобаллашув даврида оммавий маданиятни кенг тарқалиши ҳам ўзбек оила ва жамият ҳамда миллий қадриятларига ҳам таъсир ўтказмоқда. Ҳусусан, шиддат билан ривожланиб бораётган даврда мамлакатимиз ўз истиқболини анъанавий қадриятларимизни сақлаб қолган ҳолда замонавий ва фаровон оилани барпо этишни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қарамоқда.

Ўзбек халқининг урф-одатлари, аъналари ва миллий қадриятлари оила ва оиласий муносабатларда, шунингдек фарзанд тарбиясида муҳим ўрин эгаллади. Марказий Осиё минтақасида узоқ йиллар давомида яшаган халқимиз миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаб келишмоқда. Шу сабабли фарзандлар тарбиясида миллий маросимлар ва анъаналар сингдириб бориш долзарбdir.

Инсоният тарихида урф одатлар, одоб-ахлоқ асосий ўрин тутади. Урф-одатлар ва одоб-ахлоқ ўртасидаги муносабатнинг шаклланишида, миллий анъаналар муҳим рол ўйнайди.

Урф-одат – такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат бўлиб, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари йиғиндинисидир. Анъана ижтимоий ҳодиса сифатида кенг доирани қамраб олади. У муайян жамоанинг хулқ-атвори, турмуш тарзи, ҳатти ҳаракати ва оиласий муносабатларида яққол намоён бўлади.

Оиласий урф-одатлар жамиятда оиласинг пайдо бўлиши билан бирга вужудга келган. Замон талабига мос равища урф-одатлар янада ривожланиб бормоқда. Ўзбек халқининг оиласий удумлари, маросимлари ҳам тархий зарурият асосида маънавий қадрият сифатида равнақ топган.

Оила бу тарбия ўчоги бўлиб, унда маънавий етук инсон шаклланади. Ўзбек оиласарида болаларга ёшлигига миллий анъана ва урф-одатлар сингдирилади. Янги таваллуд топган фарзанднинг қулоғига ота-боболаримиз аzon айттирганлар. Қадимдан ота-боболаримиз исм қўйишга қаттиқ эътибор қаратишган. Отоналарнинг ўз фарзандларига муносиб исм қўйиши фарз ҳисобланган. Маҳалланинг ўқимишли кишилари болага исм қўйиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Оилада фарзанд улғайиши сайин у жамиятга қўшилиб боради. Отонада оила шароитида ўзбек миллий анъаналарга таянган ҳолда вояга етаётган боласининг онгига тарбиявий ва ахлоқий фазилатларни сингдириб боради. Отоналар тарбияда ниҳоятда эҳтиёт бўлиши лозим. Шу ўринда Абдулла Авлонийни “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё фалокат, ё ҳалокат, ё саодат масаласидир”<sup>151</sup> деган сўзларини эслашимиз ўринлидир. Шу боисдан ҳам асрлар давомида шаклланган урф-одатларимизга амал қилган ҳолда фарзандларимизни тарбия қилсак тўғри қилган

<sup>151</sup> Қаранг: А.Авлоний. “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”. Т.: “Ўқитувчи” -1992, 14-б

бўламиз. Чунки, ўзбек оилаларида отага тик боқмасликни, оиланинг бошлиғи келмасдан таом сўзмаслик каби кўплаб дунё аҳли хавас қилгудек миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимиз бор.

Дарҳақиқат, ўзбек оилаларининг ёш навқирон баркамол авлодни тарбиялашда ўрни бекиёсдир. Бунда албатта асрлар давомида шаклланган миллий анъаналар ва урф-одатларга таянилади..

Фикримизча, хориждан кириб келаётган оммавий маданият маънавиятимизга зид бўлган ахлоқий бузуқлик, ҳаёсизлик, беъманиликни тарғиб қилувчи ёт ғояларни ўзида мужассам қилган мафкурага қарши ўзимизнинг кўп асрлик шарқона миллий маданиятимизни қарши қўйишни билишимиз керак. Шўролар даврида ўзбек жамиятида миллий-ахлоқий фазилатларнинг ўрни ва аҳамияти камситилиб, асосан Ғарб тарбия үсуллари тарғиб қилинди. Бунинг оқибатида оилаларда миллий-ахлоқий тарбия борасида маънавий бўшлиқ юзага келди. Оқибати ва таъсири бугунги кунда ҳам сезилмоқда. Ҳолбуки, ўзбек оилаларида ўзининг анъаналарига биноан фарзандларни ўзига хос нафосат ва фаросат сарчашмаларидан баҳраманд қилиб тарбиялаганлар.

Оила ёшларнинг ҳалол, самими ростгўй, ахлоқли-одобли ва меҳнатсевар бўлиб вояга етишига замин тайёрлайди. “Ростгўйлик киши ўз хатти-ҳаракатида содир бўлган ишларни кўрган, билган ва эшитганларини бошқаларга гапириб берганда, ёлғон аралаштиrmай, айнан ўзини сўзлаб бериш одатидир. Ростгўй киши ёлғон гапни гапиришни ўзи учун уят деб билади”<sup>16</sup>. Оила тарбияси унда улғаяётган боланинг келажақда ким бўлишида муҳим ўрин тутади. Демак, фарзанд оила мисолида миллатни, жамиятни қиёфасини кўради. Фарзанд учун оиладаги соғлом муҳит миллий ахлоқий қадриятлар манбаидир. Оиладаги маданият ҳар бир оила аъзосининг маънавий қиёфасини шакллантиради. Оилада покизалик у билан фахрланиш туйғуси пировард натижада миллатпарварлик, ватанпарварлик ва ҳалқпарварлик ифтихорини келтиради. Миллий маданият оилада ўз шахсий фаровонлигидан кўра оилани шаъни ва қадр қимматини биринчи ўринга қўйишда намоён бўлади. Ахлоқий маданиятни қарор топишда интизом масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оила интизоми – жамият интизомининг негизидир. Чунки, интизом туйғуси шаклланган оилада киши давлат ишида ҳам шу туйғу билан хизмат қиласди. Давлат қонунларига буйсунади, ишни ўз жойида ва ўз вақтида тартиб асосида бажаради. Оиланинг ҳар бир аъзосиа шу асосдаги ички интизом масъулиятини англаган ҳолда оилавий муносабатларини ҳурмат қилиши оила шаънини шарафлаш каби хислатларнинг шаклланишига хизмат қиласди.

Оила маданияти оила аъзолари ўртасидаги маънавий ахлоқий муносабатларни, инсонларнинг ҳаётини борлигича ўз ичига олади.

<sup>16</sup> Шодмонова Ш.С. Оилада кичик мактаб ёшидаги болаларни миллий қадриятлар асосида ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари: Пед. фанлари номзоди... дис. Низомий номидаги Тошкент давлат пед. унти. – Тошкент, 2001. 76-бет.

М.О. Иномова таъкидлаганидек, “иқтисодий муносабатлар оиласи ҳаётда асосий масала бўлиб қолмасдан, балки маънавий яқинлик, ўзаро маънавий ахлоқий алоқаларсиз оиласи ҳаёт мазмунли ва тўлақонли бўла олмайди”<sup>17</sup>. Оила институти аваламбор ижтимоий гурӯҳ сифатида шахснинг баркамол ривожланиши ва ижтимоийлашувидаги муҳим аҳамият этади. Чунки, айнан оиласи ахлоқий қадриятлар сингдирилади. Миллий урф-одатлар – инсонларнинг муносабатлари, тўй-томошалари, байрамларида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда миллий қадриятлар, урф одатларни оила ва жамият муносабатларида, фарзандлар тарбиясида ўрни бекиёсdir. Оиласи ахлоқий тарбия миллий фадриятларга уйғун ҳолда сингдирилиб, бу инсонни ўзини англашида муҳимдир. Бунда ахлоқий сифатлар, атрофдагиларга нисбатан адолат, меҳр-муҳаббат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, виждон, ор-номус, ғурур, бурч, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, саховат, тўғрисүзлик, камтарлик, мурувват, интизомни ижтимоий англаш каби хислатлари шаклланади.

**Ўзбек миллий урф одатлари ва қадриятларнинг  
оиласи муносабатлардаги тутган ўрни**

Оила ва жамият муносабатлари ҳар бир давлатнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ҳолбуки, оила миллатнинг урф одатлари маданияти ва қадриятларини сақлашда ҳамда фарзандлар таълим ва тарбияси камол топишида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги жамиятнинг истиқболини белгилаб берувчи муҳим омиллардан саналади. Бу хақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев қўйидаги фикр билдирган, “Оила мен учун муқаддас. Муқаддаслиги шуки, авваламбор қаерда ишлашидан қатъи назар, ким бўлишидан қатъи назар агар оиласи тарбия, оиласи муҳит, оиласи ҳалоллик, муносабат, тарбияга алоҳида эътибор бермаса, ҳеч қачон натижада бўлмайди”<sup>18</sup>.

Оиласарда таълим-тарбияни тўғри йўлга қўймай туриб, ёш авлод онгига миллий қадриятларимиз, анъалармизни сингдирмасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, уни тараққиётга йўналтириш мумкин эмас. Бу жиҳатдан олиб қараганда, “Оила мафкуравий тарбиянинг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки, оила жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, фарзандлар онгига оиласи муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Оиласага соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир”<sup>19</sup>. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг “Бахтиёр оила” номли рисоласида “Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса жамият ҳам осоийшта, мустаҳкам фаровон бўлади. Аксинча

<sup>17</sup> Иномова М.О. Оиласи болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари (мустақил ҳаёт бўсафасидаги ёшлар): Педагогика фанлари доктори... дис./ Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти. – Тошкент, 1998. 29-бет.

<sup>18</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2018/07/25/prezident/> мурожаат қилинган сана 20.03.2023 й.

<sup>19</sup> Миллий истиқтол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 66-б.

оилаларда порокандалик, бузғунчилик бўлса, ҳалол – ҳаромнинг фарқи қолмаса, ўша жамият бузилади, тинчи йўқолади охир оқибат у чуқур таназуллга юз тутади”<sup>20</sup>. деб таъкидлайди

Шу сабабдан ҳам ҳозирда нафақат юртимизда балки бутун ер юзида давлатлар ўз миллий қадриятларини мустаҳкамлаш, оиладаги тарбияни яхшилаш, болалар, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маънавий баркамол соғлом авлодни тарбиялаш масаласига жиддий эътибор каратишмоқда. Бу борда буюк бобоколонимиз Абдурауф Фитрат шундай деган эди: “Ҳар бир оиланинг саодати ва иззати шу ҳалқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ”<sup>21</sup>. Тинчлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик эса оилаларининг интизомига таянади, пировард натижада ҳалқ ҳам шунча кучли бўлади. Агарда қайси бир давлатнинг аҳолиси жоҳиллик, ахлоқсизлик, билан оилавий муносабатларга енгил қараса ва интизомсизликка йул қўйса у ҳолда бу миллатнинг эртаси шубҳа остида қолади.

Бугунги глобаллашув даврида оммавий маданиятни кенг тарқалиши ҳам ўзбек оила ва жамият ҳамда миллий қадриятларига ҳам таъсир ўтказмоқда. Ҳусусан, шиддат билан ривожланиб бораётган даврда мамлакатимиз ўз истиқболини анъанавий қадриятларимизни сақлаб қолган ҳолда замонавий ва фаровон оилани барпо этишни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қарамоқда.

Ўзбек ҳалқнинг урф-одатлари, аъналари ва миллий қадриятлари оила ва оилавий муносабатларда, шунингдек фарзанд тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди. Марказий Осиё минтақасида узоқ йиллар давомида яшаган ҳалқимиз миллий урф-одатларимизни асрраб-авайлаб келишмоқда. Шу сабабли фарзандлар тарбиясида миллий маросимлар ва анъаналар сингдириб бориш долзарбдир.

Инсоният тарихида урф одатлар, одоб-ахлоқ асосий ўрин тутади. Урф-одатлар ва одоб-ахлоқ ўртасидаги муносабатнинг шаклланишида, миллий анъаналар муҳим рол ўйнайди.

Урф-одат – такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат бўлиб, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари йиғиндисидир. Анъана ижтимоий ҳодиса сифатида кенг доирани қамраб олади. У муайян жамоанинг хулқ-атвори, турмуш тарзи, ҳатти ҳаракати ва оилавий муносабатларида яққол намоён бўлади.

Оилавий урф-одатлар жамиятда оиланинг пайдо бўлиши билан бирга вужудга келган. Замон талабига мос равишда урф-одатлар янада ривожланиб бормоқда. Ўзбек ҳалқнинг оилавий удумлари, маросимлари ҳам тарихий зарурият асосида маънавий қадрият сифатида равнақ топган.

<sup>20</sup> «HIOL NASHR» нашриёт-матбааси <https://hilolnashr.uz/index.php>. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Т.”Хилол Нашр, 2019.- 4 б.

<sup>21</sup> Akhmadjanovna, N. R. N., Abdukhalilovna, M. H., & Habibullaevna, M. B. (2019). Integrating language skills into the process of the English language teaching. Вестник науки и образования, (19-2 (73)

Оила бу тарбия ўчоғи бўлиб, унда маънавий етук инсон шаклланади. Ўзбек оилаларида болаларга ёшлигига миллий анъана ва урф-одатлар сингдирилади. Янги таваллуд топган фарзанднинг қулоғига ота-боболаримиз аzon айттирганлар. Қадимдан ота-боболаримиз исм қўйишга қаттиқ эътибор қаратишган. Ота-оналарнинг ўз фарзандларига муносиб исм қўйиши фарз ҳисобланган. Маҳалланинг ўқимишли кишилари болага исм қўйиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Оиласда фарзанд үлғайиши сайин у жамиятга қўшилиб боради. Ота-она оила шароитида ўзбек миллий анъаналарга таянган ҳолда вояга етаётган боласининг онгига тарбиявий ва ахлоқий фазилатларни сингдириб боради. Ота-оналар тарбияда ниҳоятда эҳтиёт бўлиши лозим. Шу ўринда Абдулла Авлонийни “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё фалокат, ё ҳалокат, ё саодат масаласидир”<sup>221</sup> деган сўзларини эслашимиз ўринлидир. Шу боисдан ҳам асрлар давомида шаклланган урф-одатларимизга амал қилган ҳолда фарзандларимизни тарбия қилсак тўғри қилган бўламиз. Чунки, ўзбек оилаларида отага тик боқмасликни, оиланинг бошлиғи келмасдан таом сузмаслик каби кўплаб дунё аҳли хавас қилгудек миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимиз бор.

Дарҳақиқат, ўзбек оилаларининг ёш навқирон баркамол авлодни тарбиялашда ўрни бекиёсдир. Бунда албатта асрлар давомида шаклланган миллий анъаналар ва урф-одатларга таянилади..

Фикримизча, хориждан кириб келаётган оммавий маданият маънавиятимизга зид бўлган ахлоқий бузуқлик, ҳаёсизлик, беъманиликни тарғиб қилувчи ёт ғояларни ўзида мужассам қилган мағкурага қарши ўзимизнинг кўп асрлик шарқона миллий маданиятимизни қарши қўйишни билишимиз керак. Шўролар даврида ўзбек жамиятида миллий-ахлоқий фазилатларнинг ўрни ва аҳамияти камситилиб, асосан ғарб тарбия усуллари тарғиб қилинди. Бунинг оқибатида оилаларда миллий-ахлоқий тарбия борасида маънавий бўшлиқ юзага келди. Оқибати ва таъсири бугунги кунда ҳам сезилмоқда. Ҳолбуки, ўзбек оилаларида ўзининг анъаналарига биноан фарзандларни ўзига хос нафосат ва фаросат сарчашмаларидан баҳраманд қилиб тарбиялаганлар.

Оила ёшларнинг ҳалол, самимий ростгўй, ахлоқли-одобли ва меҳнатсевар бўлиб вояга етишига замин тайёрлайди. “Ростгўйлик киши ўз хатти-ҳаракатида содир бўлган ишларни кўрган, билган ва эшитганларини бошқаларга гапириб берганда, ёлғон аралаштирумай, айнан ўзини сўзлаб бериш одатидир. Ростгўй киши ёлғон гапни гапиришни ўзи учун уят деб билади”<sup>23</sup>. Оила тарбияси унда улғаяётган боланинг келажақда ким бўлишида муҳим ўрин тутади. Демак, фарзанд оила мисолида

<sup>22</sup> Қаранг: А.Авлоний. “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”. Т.: “Ўқитувчи” -1992, 14-б

<sup>23</sup> Шодмонова Ш.С. Оиласда кичик мактаб ёшидаги болаларни миллий қадриятлар асосида ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари: Пед. фанлари номзоди... дис. Низомий номидаги Тошкент давлат пед. ун-ти. – Тошкент, 2001. 76-бет.

миллатни, жамиятни қиёфасини кўради. Фарзанд учун оиласидаги соғлом мұхит миллий ахлоқий қадриятлар манбаидир. Оиласидаги маданият ҳар бир оила аъзосининг маънавий қиёфасини шакллантиради. Оиласидаги покизалик у билан фахрланиш түйғуси пировард натижада миллатпарварлик, ватанпарварлик ва халқпарварлик ифтихорини келтиради. Миллий маданият оиласада ўз шахсий фаровонлигидан кўра оилани шаъни ва қадр қимматини биринчи ўринга қўйишда намоён бўлади. Ахлоқий маданиятни қарор топишда интизом масаласи ҳам мұхим аҳамият касб этади. Оила интизоми – жамият интизомининг негизидир. Чунки, интизом түйғуси шаклланган оиласада киши давлат ишида ҳам шу түйғу билан хизмат қиласиди. Давлат қонунларига буйсунади, ишни ўз жойида ва ўз вақтида тартиб асосида бажаради. Оиласинг ҳар бир аъзосиа шу асосдаги ички интизом масъулиятини англаган ҳолда оилавий муносабатларини ҳурмат қилиши оила шаънини шарафлаш каби хислатларнинг шаклланишига хизмат қиласиди.

Оила маданияти оила аъзолари ўртасидаги маънавий ахлоқий муносабатларни, инсонларнинг ҳаётини борлигича ўз ичига олади. М.О. Иномова таъкидлаганидек, “иктисодий муносабатлар оилавий ҳаётда асосий масала бўлиб қолмасдан, балки маънавий яқинлик, ўзаро маънавий ахлоқий алоқаларсиз оилавий ҳаёт мазмунли ва тўлақонли бўла олмайди”<sup>24</sup>. Оила институти аваламбор ижтимоий гурӯҳ сифатида шахснинг баркамол ривожланиши ва ижтимоийлашувидаги мұхим аҳамият этади. Чунки, айнан оиласада ахлоқий қадриятлар сингдирилади. Миллий урф-одатлар – инсонларнинг муносабатлари, тўй-томушалари, байрамларида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда миллий қадриятлар, урф одатларни оила ва жамият муносабатларида, фарзандлар тарбиясида ўрни бекиёсдир. Оиласидаги ахлоқий тарбия миллий фадриятларга ўйғун ҳолда сингдирилиб, бу инсонни ўзини англашида мұхимдир. Бунда ахлоқий сифатлар, атрофдагиларга нисбатан адолат, меҳр-муҳаббат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, виждон, ор-номус, ғурур, бурч, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, саховат, тўғрисўзлик, камтарлик, муруват, интизомни ижтимоий англаш каби хислатлари шаклланади.

<sup>24</sup> Иномова М.О. Оиласидаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари (мустақил ҳаёт бўсафасидаги ёшлар): Педагогика фанлари доктори... дис./ Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти. – Тошкент, 1998. 29-бет.